

Инновацион иқтисодиёт шароитида банк-молия тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Республика илмий-амалий конференцияси

2019 йил 28 сентябрь

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва
Ўзбекистон Республикаси Банклари Ассоциацияси
ҳамкорликда

МУНДАРИЖА

1-шуъба.

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА БАНК ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бобакулов Т.И.	Валюта сиёсатини либераллаштиришнинг долзарб масалалари	8
Тоймухамедов И.Р.	Ўзбекистонда миллий тўлов тизимини такомиллаштириш йўллари	12
Тожиев Р.Р., Сатторова Н.Ф.	Банкларда ликвиддиликни бошқариш усуллари	16
Абдурахманова М.М.	Перспективы развития мобильных технологий в электронном банкинге Республики Узбекистан	22
Азларова А.А.	Перспективы развития инновационных банковских услуг	26
Якубова Ш.Ш.	Таргетирование инфляции – современное направление совершенствования денежно-кредитной политики	30
Базарова Н.Р.	Риски банковской системы Узбекистана	35
Мамадијаров З.Т., Мамаражабов Ж.Т.	Ўзбекистон банк тизимида интернет банкинги ривожлантириш истиқболлари	41
Мўминова М.Б.	Тижорат банкларининг актив ва пассив операцияларни инновацион бошқаришнинг назарий асослари	45
Davlatov E.B., Mirkhaydarov M.	Transmission mechanism of monetary policy	50
Мирҳаётов М.М.	Тижорат банкларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш	53
Бекмуродова Г.А.	Рақамли иқтисодиёт ривожланишининг тижорат банклари инновацион фаолияти самарадорлигини оширишга таъсири	60
Эльбусинова У.Х., Карабаева М.И.	Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини бошқариш механизмини такомиллаштириш	64
Кадиров Р.А.	Инновацион иқтисодиёт шароитида банк-молия тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	68
Темиров А.А.	Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари фаолиятини кредитлаш тартиби	70
Аббосов С.Р.	Пул-кредит сиёсатининг замонавий назариялари ва уларнинг Ўзбекистонда пул-кредит сиёсати самарадорлигини оширишдаги аҳамияти	73
Абдурахманова М.М., Салимова З. Р.	Управление качеством персонала в коммерческих банках	77
Азларова Д.А.	Повышения эффективности управления персоналом коммерческого банка	81
Азимова Ш.С.	Проблемы и перспективы развития краудлендинга	85
Yaxshimuratova A.R., Sharipbayeva L.Sh.	Tijorat banklarida kreditlash amaliyotini rivojlanish holati	91
Исаков Ж.Я.	Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг долзарб масалалари	95
Хамирова Ф.	Иқтисодий хавфсизликнинг мамлакат ҳудудлари	97

**Мамадияров З.Т.
ТДИУ, Корпоратив бошқарув факультети декани ўринбосари,**

**Мамаражабов Ж.Т.
ТДИУ, Магистратура бўлими талабаси**

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИДА ИНТЕРНЕТ БАНКИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида тўлов тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб рақамларни бошқариш ва банк операцияларини ўтказиш имконини берувчи масофадан банк хизматлари қўрсатган ҳолда тижорат банкларининг самарали ахборот алмашинуви тизимини ташкил этиш Марказий банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Бу эса тижорат банклари томонидан қўрсатилаётган масофавий хизматларнинг сифат таркибини яхшилаш ва янги замонавий хизматларни жорий этиш учун кенг имкониятлар яратади.¹

Масофадан банк хизматини қўрсатувчи анъанавий «Банк-мижоз» тизими республикамизда кенг тарқалган бўлиб, барча банкларда татбиқ қилинган. Ушбу тизимни қўллаш учун мижознинг компьютерида маҳсус дастур ўрнатилиб, алоқа каналлари орқали банкнинг ахборот тизими билан ўзаро мулоқот таъминланади. Аммо «Банк-мижоз» тизимини қўллашда муайян иш жойига боғланиш ҳамда ихтисослаштирилган дастурлардан фойдаланиш зарурлиги сабабли, ушбу тизимдан фойдаланиш имконияти чекланган.

Шунинг учун интернет тармоғи ва оддий браузер, яъни мижозни тармоқقا киришини таъминловчи кенг тарқалган дастур орқали ишлашини таъминловчи онлайн-банкинг (интернет-банкинг) тизими кенг қўлланилади. Бу тизимдан фойдаланганда хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, интернет орқали узатиладиган ахборотлар маҳсус протоколлар бўйича шифрланади ва электрон рақами имзо билан тасдиқланади. Мижоз қаерда бўлишидан қатъий назар, интернет тармоғи орқали банк хизматидан фойдаланиши мумкин, яъни замонавий ахборот технологияларига асосланган интернет-банкинг тизими орқали масофавий хизмат турлари амалга оширилади.

Интернет-банкинг технологияси банк учун ҳам, мижозлар учун ҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони.

қўшимча қулайликлар яратади. Жумладан, мижоз ўз ҳисобварафи бўйича банк амалларини бажариш учун банкка бормасдан, Интернет орқали хоҳлаган жойидан, хоҳлаган вақтида бажариш имкониятига эга бўлиб, ҳисобварағининг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс эттирилиши каби амаллар ҳақида маълумотларни олиши мумкин. Бу эса мижоз учун ўз вақти ва маблағини тежаш, манзилнинг узоқ-яқинлигига қарамасдан банкни ихтиёрий равишда танлаш ва ўз маблағларини тезкор бошқариш афзалликларини яратади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тармоқ дастурида компьютер, планшет ёки смартфон қурилмаларидан ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган аҳоли қатламлари учун давлат хизматларини кўрсатишда турли замонавий технологияларни қўллаш орқали қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

- худудлардаги “Ягона дарча” марказлари ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ бўлинмаларида 250 та инфокиоскани ўрнатиш;
- инфокиоскаларни маълумотлар узатиш тармоғига улаш;
- компьютер, планшет ёки смартфон қурилмаларидан ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган аҳоли қатламлари учун, шу жумладан, тадбиркорларга инфокиоскалар орқали давлат хизматларини кўрсатиш, тўловларни қабул қилиш ва баъзи маълумотларни олиш имконияти яратилади.¹

Ушбу дастурда республикамиз худудларида 2017-2018 йиллар мобайнида 2300 км оптик толали алоқа линияларини қуриш, республика аҳолисининг юқори тезликда интернетга уланиш имкониятлари кенгайтирилади, коммутация марказларини IMS технологияси асосида модернизация қилиш асосида мобиль алоқа операторларининг тармоқлари қамрови худудларини кенгайтиришга эришилади.

Айни пайтда барча тижорат банклари интернет тармоғида ўзларининг веб-сайтларини очиб, улар банк фаолияти, янги хизмат турлари ва шартлари, мижозлар манфаатига тегишли маълумотлар билан мунтазам бойитиб борилмоқда. Марказий банк веб-сайти орқали эса давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз банк тизими ривожланишида долзарб масалалардан бири бўлмиш Интернет-банкинг тизимини такомиллаштириш ва янгича усувлар орқали мижозларни жалб қилиш энг муҳим масалалардан бирига айланган.

Масофавий банк хизматларининг ривожланишга сабаб бўлувчи

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тармоқ дастури

омиллардан бири интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони ошиб бориши ҳисобланади. Халқаро телекоммуникация жамияти маълумотларига кўра, 2019 йил 31 март ҳолатида дунё аҳолисининг 56,1%и интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг сони ҳозирги кунда 4,3 миллиарддан ошганлигини айтиш мумкин (1-жадвалга қаранг).¹ Ҳисобкитоблар шуни кўрсатмоқдаки, интернет-фойдаланувчилари сони 2000 йилда 393710,2 миллионтани ташкил этган бўлса, 2019 йилда 4346561,8 миллионтага етган. Яъни, 2019 йилда 2000 йилга нисбатан 1104 фоизга ёки 11 баробардан кўпроққа ортганини кўриш мумкин. Интернетдан фойдаланувчилар сонининг жамига нисбатан ҳудудлар кесимида улушига эътибор қаратадиган бўлсақ, интернетдан фойдаланувчиларнинг 50,4 фоизи Осиёда, 16,5 фоизи Европада, 10,9 фоизи Африкада, 10,1 фоизи Лотин Америкасида, 7,5 фоизи Шимолий Америкада, 3,9 фоизи Яқин Шарқда, 0,7 фоизи Австралия ва Океанияда эканлигини кўриш мумкин.

1-жадвал

Дунё бўйича интернетдан фойдаланувчилар сони (2019 йил 31 март ҳолати)²

Дунё минтақалари	Аҳоли сони (мингта)	Аҳоли сони (%да)	Интернетдан фойдаланувчилар сони (мингта)	Интернетдан фойдаланувчилар (%да)	Интернетдан фойдаланувчилар жамига нисбатан ҳудудлар кесимида улуши (%да)
Осиё	4241972,8	54,7 %	2190981,3	51,7 %	50,4 %
Яқин Шарқ	258356,9	3,3 %	170,040,0	65,8 %	3,9 %
Африка	1320038,7	17,0 %	474120,6	35,9 %	10,9 %
Океания / Австралия	41839,2	0,5 %	28437,5	68,0 %	0,7 %
Европа	866433,0	11,2 %	718172,1	82,9 %	16,5 %
Лотин Америкаси /Кариб денгизи	658345,8	8,5 %	438248,4	66,6 %	10,1 %
Шимолий Америка	366496,8	4,7 %	326561,8	89,1 %	7,5 %
Дунё бўйича жами	7753483,2	100,0%	4346561,8	56,1%	100,0%

Дунё минтақалари кесимида қарайдиган бўлсақ, аҳолининг энг кўп интернетдан фойдаланувчилар улушига эга бўлган минтақа Шимолий

¹ Internet world stats Copyright © 2018, Miniwatts Marketing Group. All rights reserved worldwide.

² Internet world stats маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Америка бўлиб, аҳолининг 89,1 фоизи интернетдан фаол фойдаланса, Европада 82,9 фоиз аҳоли, Океания ва Австралияда 68,0 фоиз аҳоли, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи давлатларида 66,6 фоиз аҳоли, Яқин Шарқ давлатларида 65,8 фоиз аҳоли, Осиё давлатларида 51,7 фоиз аҳоли интернетдан фойдаланади. Интернет энг кам оммалашган минтаقا Африка давлатлари бўлиб, жами аҳолининг 35,9 фоизигина бу хизматдан фойдаланади.

Шунга қарамасдан, 2019 йил 31 март ҳолатида Норвегия ва Фолкланд ороллари аҳолисининг 99,2%и, Исландия аҳолисининг 99%и, Лихтенштейн аҳолисининг 98,4%и, Бермуда ороли аҳолисининг 98%и, Эстония аҳолисининг 97,7%и, Дания, Люксембург ва Бирлашган Араб Амирилиги аҳолисининг 96,9%и, Швеция аҳолисининг 96,7%и, Қувайт аҳолисининг 96,6%и, Қатар аҳолисининг 96,4%и, Германия аҳолисининг 96,2%и, Нидерландия аҳолисининг 95,9%и, АҚШ аҳолисининг 95,6%и, Монако аҳолисининг 95,5%и, Буюк Британия аҳолисининг 94,7%и, Бельгия аҳолисининг 94,4%и, Финландия аҳолисининг 94,3%и, Бахрейн аҳолисининг 93,8%и, Буруней ва Япония аҳолисининг 93,5%и интернетдан кенг фойдаланиб келинаётган бўлсада, Самоли аҳолисининг 7,7%и, Мадагаскар аҳолисининг 7,0%и, Гуинеа-Биссау аҳолисининг 6,1%и, Конго Демократик Республикаси аҳолисининг 5,9%и, Бурунди аҳолисининг 5,3%и, Марказий Африка Республикаси аҳолисининг 5,3%и, Чад аҳолисининг 4,9%и, Фарбий Сахара аҳолисининг 4,8%и, Нигер аҳолисининг 4,1%и, Эритрея аҳолисининг 1,3%ни ташкил этганлиги бу давлатларда интернетдан фойдаланиш даражаси жуда пастлигидан далолат бермоқда. Шимолий Корея давлатида 2019 йилгача интернетдан умуман фойдаланилмас эди, аммо 2019 йил 31 март ҳолатига кўра давлат аҳолисининг 0,1%и, яъни 20 мингга яқин аҳоли интернетдан фойдаланмоқда.¹

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда информацион оқимларнинг тезлик билан ҳаракатланаётганлиги интернет банкинг хизматларини такомиллаштириш учун ривожланган давлатлар тажрибаси, хорижий ва маҳаллий олимлар фикрларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Даставвал, Ўзбекистон банк тизимида ушбу хизматларни ривожлантиришдаги муаммоларни аниқлаб олиш ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб олиш лозим. Келгусида банк тизимини янада ривожлантиришга рақамли банк соҳасидаги инновациялар, маълумотларни автоматик таҳлил қилиш ва масофадан хизмат кўрсатиш тизимларини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

¹ Internet world stats маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Республика илмий-амалий анжумани
материаллари тўплами

Муҳаррирлар

Мирбабаева С.А., Мирҳидоятова Д.М.,
Ваҳобова М.М.

Босишга рухсат этилди 25.09.19. Қоғоз бичими 60x80 1/16.

Шартли босма табоғи 18,25. Адади 100 нусха.

_____ -сонли буюртма.

100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 49-уй.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети босмахонасида босилди.